

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСІЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 104 (11.165)

Баҳоси эркин нарҳда

МАМЛАКАТИМИЗДА

- Тошкентдаги Ижтимоий-иқтисодий тадқиқотлар марказида «Иқтисодийни модернизациялаш шароитида минтақаларнинг барқарор ривожланиши» мавзусида илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди.
Самарқандда теурийлар даврига оид меъморий ёдгорликларни сақлаш, таъмирлаш ва улардан самарали фойдаланишга бағишланган семинар-тренинг ўтказилди.
ЮНЕСКОнинг умумжаҳон маданий мероси, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда Эрон, Ҳиндистон, Покистон, Афғонистон, Озарбойжон ва Марказий Осиё давлатларидаги мутахассислар, археолог ва меъморлар ўзаро фикр алмашдилар.

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ
Янгиликлар, воқеалар

ДУНЁДА БОЛА КУЛГУСИДАН, УНИНГ ҚУВОНЧУ ШОДЛИГИДАН ОРТИҚ БАХТ БЎЛМАСА КЕРАК. АЙНИҚСА БОЛАЖОН ХАЛҚИМИЗ УЧУН ФАРЗАНД КАМОЛИ, БАХТИ ВА ИСТИҚБОЛИДАН КАТТА БОЙЛИК ЙЎҚ БУ ОЛАМДА. АЙТИШЛАРИЧА, ЭНДИГИНА ДУНЁГА КЕЛГАН ЧАҚАЛОҚНИНГ БЕБУБОР «ИНГА-ИНГА»СИДАН ЖАННАТ БОГЛАРИНИНГ МАЙИН ИФОРИ ТАРАЛАРИМИШ.



МУҲАММАД НУР БАЛҚАР: «ҲЕЧ БИР ДИЁР МЕНИ ЎЗБЕКИСТОНДЕК МАҚТУН ЭТМАГАН»

ИОРДАНИЯ ҲОШИМИЙЛАР ПОДШОҲЛИГИНИНГ МУСТАҚИЛЛИК КУНИ БАЙРАМИ МУНОСАБАТИ БИЛАН «ЖАҲОН» АХБОРОТ АГЕНТЛИГИ МУХБИРИ УШБУ МАМЛАКАТНИНГ ТОШКЕНТДАГИ МУВАҚҚАТ ИШЛАР ВАКИЛИ МУҲАММАД НУР БАЛҚАР БИЛАН СУҲБАТДА БЎЛДИ.

— Жаноби олийлари, Ўзбекистон-Иордания муносабатларининг ҳозирги аҳволини қандай баҳолайсиз?
— Иордания Ўзбекистон мустақиллигини 1991 йил 28 декабрда тан олган. Икки мамлакат ўртасидаги дипломатия муносабатларини ўрнатиш ҳақидаги протокол 1993 йил 15 февраль кuni имзоланди. 1994 йил 21 июль кuni Иорданиянинг Тошкентдаги элчихонаси иш бошлаши билан мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатлар тарихида янги давр бошланди.

ҲАР БИР ФАРЗАНДАГА МЕҲР-ЭЪТИБОР



Маълумки, ҳар йили 1 июнь —Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кuni бутун мамлакатимизда кенг нишонланади. Келажагини давомчилари бўлган фарзандларимизга шу кuni ҳар қачонгидан ортиқ эътибор, меҳр-муҳаббат кўрсатилади.
Боложонлар байрамнинг шодиёна ва қизиқарли ўтиши учун шахмат-шашка, асфальтта расм чизиш, «Кувнок стартлар» каби спорт мусобақаларини ташкил этидик, — дея суҳбатга қўшилди Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Тошкент шаҳар филиали раҳбари Асқар Тolibжонов.

БОЛАЛАР МАНФААТЛАРИ ДОИМИ ҲИМОЯДА

МИЛЛИЙ ҚОНУНЧИЛИГИМИЗДА БОЛАЛАРГА НИСБАТАН УЛКАН МЕҲР ВА ИНСОНИЙЛИК ТАМОЙИЛЛАРИ ЎЗ АКСИНИ ТОПГАН ВА БУ ЖИНОЯТ ЙЎЛИГА КИРИБ ҚОЛГАН ЁШЛАРНИ СОҒЛОМ ҲАЁТГА ҚАЙТАРИШДА МУҲИМ ОМИЛ БЎЛМОҚДА.

Бу Ўзбекистон Республикаси қонунилари ва ратификация қилинган бола ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳужжатлар мазмун-моҳиятига тўла мосдир.
Жорий йилда қабул қилинган «Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонун бу борадаги яна бир муҳим қадам бўлди.

Киска сатрларда

- КЕЧА Миробод туманидаги Фурқат номи маданият ва истироҳат боғида туман ҳокимлиги, туман хотин-қизлар кўмитаси, халқ таълими, маданият ва спорт ишлари, «Маҳалла» жамғармаси, «Камолот» ЁИХ туман бўлими раҳбарлари ҳамкорликда уюштирилган тадбир Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кунига бағишланди.
ЯККАСАРОЙ туман солиқ инспекциясида, туман фуқаролик судида сайловчиларнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари билан учрашувлари уюштирилди.

ЖАҲОНДА

- Кеча Австрия пойтахти Вена шаҳрида Халқаро атом энергетикаси ташкилоти—МАГАТЭ кенгашининг сессияси бошланди.
Сурия президенти Башар Асад Исроил томонидан билдирилган Эрон билан битим тузишдан воз кечиш талабини рад этди.
Мьянмада халқ ўртасида ўтказилган референдум яқунларидан кейин мамлакатнинг янги конституцияси маъқулланди.
Референдумда 98,12 фоиз аҳоли вакиллари қатнашиб, улардан 92,48 фоизи конституцияни ёқлаб овоз берди.
Сиёсатшуносларнинг фикрига кўра, янги конституция мамлакатни демократия сари чорлайдиган илқ ҳужжат бўлиши мумкин.
Жаҳон банки истеъмол маҳсулотлари танқислигининг олдини олиш учун 1,2 миллиард доллар ажратишга қарор қилди.
Шунингдек, ушбу ташкилот энг қашшоқ давлатларга грант тариқасида 200 миллион доллар маблағ ажратди.
Ироқнинг Анврия музофотида иккита кўпуровчилик ҳаракати—кучли портлашлар амалга оширилиши туфайли 19 киши ҳаётдан кўз юмган.
Полициячиларнинг таъкидлашича, ушбу террорчилик ҳаракатларини камикадзеллар амалга оширган.
Кеча Боливиyaning Ла-Пас музофотида автобуснинг жарга кулаши натижасида 16 киши ҳаётдан кўз юмди.
Амазонка ўрмонларида жаҳон цивилизациясидан узилиб қолган номаълум ҳиндулар қабиласи топилди.
Бу қабила махсус олимлардан иборат гуруҳ томонидан аниқланди.
Бразилиядаги ҳиндулар иши бўйича миллий жамғара раҳбари Жозе Карлос Мереллеснинг таъкидлашича, номаълум қабил вакиллари самолётдан туриб суратга туширилган.
Кеча Голливуддаги машҳур «Universal» киностудиясида кучли ёнғин чиқди. Уни ўчиришга 400 га яқин ўт ўчирувчилар, кўплаб вертолётлар жалб этилди.
Ёнғин жиловланган бўлсада, битта бино, янги суратга олинаётган фильмнинг декорациялари тўлаликча ёниб кетди, ноёб видеоотека ҳам қуйиб кул бўлди.
Кеча франциялик машҳур модельер Ив Сен-Лоран 71 ёшда ҳаётдан кўз юмди.
Панама пойтахтида вертолётнинг уч қаватли бинога урилиб портлаши оқибатида 11 киши ҳаётдан кўз юмди.
Улар орасида Чили полицияси раҳбари генерал Х.Барналес ҳам бор.







МАШРИҚЗАМИН — ХИКМАТ БЎСТОНИ УМАР ХАЙЁМ ХИКМАТЛАР

Хар яхши-ёмонликки, башар таъбида бор, Хар шодлигу кулфатки, қадар лавҳига ёр, Осмонга ҳавола этма, идрок йўлида Сендан бу фалак ожизу бечораю хор...

Чарх узра биров зафар тўнин кийган эмас, Одамни ютиб, замин сира тўйган эмас, Кеккайма мени ёмади деб, ҳеч кимни У навбати келганда емай кўйган эмас.

Дунёда гуноҳсиз яшаган борми, аё, Қандай яшагай қилмайин ул кимса хато?

На сену на мен азал сирин билгаймиз, Ё ушбу муаммони-да ҳал қилгаймиз, Ҳақ пардасидан ташқарида бор сўзимиз, Гар тушса у, на сену на мен қолгаймиз...

Дунё гамини чекма қўлингдан келса! Бор-йўқни унутиб, қани ҳар дил кулса! Яхши еб-ичу шод яша, элтолмассан — Бир арпа у дунёга хазинанг бўлса!

Хар қанча бу тан чодирин маҳкам — ҳечдир, Кўк қанча улғувор, етти қатлам — ҳечдир. Хуррам яша ўткинчи жаҳонда, асли Бир лаҳзага боғлиқмизу ул ҳам ҳечдир.

Эй дил, бу жаҳонда қисматинг қон бўлмоқ, Минг турланиб-тусланиб паришон бўлмоқ.

Эй жон, бу баданга не сабаб киргансан, Мақсад неча кун агарда меҳмон бўлмоқ?

Оқил киши чекмас сира эрта гамини, Таскин сира тўлдирмади кўнгили камини.

Дунёда ҳақиқий оқил инсон ўшадир, Ким билса ганимат ўтаётган дамнини.

Кимлар бу жаҳон ичра яшаб ўтган эмас, Қўлида биров ҳақ дурини тутган эмас. Савдони каби беҳуда сўз дер барча, Аммо ҳақиқатга ҳеч киши етган эмас.

Бу кўҳна рабботга берди олам деб ном, Тинмай отини алмашади тонгу шом. Бир базмики, юз Жамшид уни тарк этган, Бир қасрки, юз Баҳром олибдир ором.

Ишқ бўлмаса, умрингда сира мазмун йўқ, Дил ёнмаса, ўртанмаса, бир ёлқин йўқ. Лекин бу ҳаёт йўлида — барча билади, Дунёда беҳуда ўтмаган бир кун йўқ!

Хар нарса қазо лавҳида бўлса — бордир, Хар яхши-ёмон қалам билан пойдордир. Тақдири азалда бори ҳеч ўзгармас, Фам чекишу интилиш бари бекордир.

Кездик бу жаҳонни роса — дил тўла ҳавас, Гоҳ уйдаю гоҳ сафарда умр ўтди абас. Лекин бу ҳаёт йўлида — барча билади, Кетган йўлидан йўловчи ҳеч қайтган эмас.

Самарқанд вилояти Қўшрабод тумани Махтумқули номидаги 2-ўрта мактаб томонидан 2001 йилда Назаров Хуршид Янгибоевич номига берилган О'Р - А № 1061450 рақамли шаходатнома йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Шайхонтоҳур туманидаги 42-оилавий поликлиника жамоаси кекса шифокор, II жаҳон уруши катнашчиси Лутфулла САДУЛЛАЕВнинг вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор қилади.

МАЪЛУМКИ, КЕЙИНГИ ПАЙТЛАРДА БОЛАЛАР ЎРТАСИДА ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ, УЛАРНИНГ ЖИСМОНИЙ КАМОЛОТИНИ ТАЪМИНЛАШ, ЖУМЛАДАН, МАМЛАКАТИМИЗНИНГ ҲАТТО ЭНГ ЧЕККА ХУДУДЛАРИДА ҲАМ ЗАМОНАВИЙ ТАЛАБЛАРГА ЖАВОБ БЕРУВЧИ СПОРТ МАЖМУАЛАРИ ҚУРИЛИШИГА ЭЪТИБОР ДАВЛАТИМИЗ СИЁСАТИНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИДАН БИРИГА АЙЛАНДИ.



ЖАМҒАРМА ТАШАББУСИ БИЛАН

Бинобарин, Президентимиз ташаббуслари билан ташкил этилган Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси болалар ўртасида соғлом турмуш тарзини татбиқ этиш, болалар спортини аниқ мақсад йўлида барқарор ривожлантириш, спорт мажмуалари қурилиши ва анжомлар билан жиҳозлашни таъминлаш борасида қўллаб қўллаб хайри ишларни амалга ошириб келмоқда.

Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кўни кенг нишонлаш, болаларни спорт ва жисмоний тарбияга янада қизиқтириш ҳамда уларга байрамона кайфият

улашиш мақсадида Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг Тошкент шаҳар филиали ҳамда «Камолот» ЕИХ Тошкент шаҳар Кенгаши томонидан Учтепа туманида жойлашган «Қўрғонтепа» болалар спорт мажмуасида пойтахтдаги ёшлар иштирокида «Спорт байрами» тадбири ўтказилди.

Ушбу тадбирнинг ҳақиқий спорт байрамига айланиб кетганини таъкидлаб ўтиш жоиз. Зеро, мана шундай оммавий спорт мусобақаларида доимо соғлом рақобат, ғалабага бўлган кучли интилиш, ўз жамоаси зафарига ҳисса қўшиш йўлида бор куч-маҳоратини сарфлаш каби ҳалол кураш руҳи ҳукм суради.

Шу кун болажонлар замонавий спорт мажмуида бир неча спорт тури бўйича ўтказилган қизиқарли баҳсларда ўз жамоалари ғалабасини таъминлаш йўлида сазойи ҳаракат қилдилар. Жумладан, 1994-1995 йилларда туғилган кизлар ўртасида баскетбол бўйича Юнусобод ва Мирзо Улугбек туманлари жамоалари ўзаро куч синашган бўлса, чилонзорлик ва Учтепа туманидан 1997 йилда туғилган ўғил болалар жамоалари мини-футбол майдонидан баҳс юритишди. Стол тенниси мусобақалари айниқса кескин ва мурокасиз кечди. Унда 13-14 ёшли ўсмирлар ва кизлар Яққасарой ҳамда С.Раҳимов тумани шарафини ҳимоя қилишди. Эстафета югуришида эса Бектемир, Сергели ва Ҳамза туманидан келган 1997-1998 йилларда туғилган болалар ва кизлар ўзаро беллашди. Ниҳоят шашка бўйича мусобақаларда ҳам Миробод ва

Шайхонтоҳур туманилик 10-11 ёшли болалар ва кизлар ғалаба учун кураш олиб боришди.

Шу тариқа спорт байрамида барча туманларнинг фаол иштироки таъминланди. Катнашчиларни эса мухлислар қизгин қўллаб-қувватлаб туришди.

Ушбу тадбир доирасида катта ғалаконцерт ҳам ташкил этилган бўлиб, унда Тошкент шаҳар Халқ таълими бош бошқармаси тасарруфидаги шаҳар ва Чилонзор туман ўқувчилар ижодий марказларининг «Алладин», «Севинч» вокал дасталари, «Рақс», «Эркиной» рақс дасталари, «Зарб» доирачилар ансамбли ҳамда бал рақс дастаси ўзларининг бадиий чиқишлари билан барча катнашчиларни хушнуд этдилар.

Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Тошкент шаҳар филиали ҳамда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент шаҳар бўлими томонидан барча иштирок этган болаларга байрам совғалари улашилди.

Дилшод ИСРОИЛОВ СУРАТЛАРДА: спорт байрамидан лавҳалар Алексей Попов олган суратлар



ЖОРИЙ ЙИЛНИНГ ЁШЛАР ЙИЛИ ДЕБ ЭЪЛОН ҚИЛИНИШИ ДАВЛАТИМИЗНИНГ КЕЛАЖАК АВЛОДДАН УМИДИ КАТТА ЭКАНЛИГИДАН ДАЛОЛАТ БЕРАДИ. «ЁШЛАР ЙИЛИ» ДАВЛАТ ДАСТУРИДА ЁШЛАРНИНГ ЎЗ ИҚТИДОРИ ВА ИСТЕЪДОДИНИ НАМОЁН ҚИЛИШИГА ЖУДА КўП ИМКОНИЯТЛАР КўЗДА ТУТИЛГАН ВА БУЛАР АМАЛГА ОШИРИЛМОҚДА.

Олий ўқув юртлирида

ЁШЛАР ИЖОДИЙ ФАОЛИЯТИ ДЕБОЧАСИ

Жумладан, Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика университетида ҳам «Ёшлар йили» Давлат дастури доирасида кўзда тутилган бир қатор амалий ишлар бажарилмоқда. Шунинг тасдиғи сифатида кун кеча ушбу олийгоҳда таҳсил олаётган ёшларнинг публицистика соҳасидаги уринишлари жамланган «Изланиш» номли илмий мақоладан тўплами нашр этилганлигини таъкидлаш мумкин. «Ўзбек филологияси» факультети жамоаси, қолаверса, университет раҳбарияти ташаббуси билан қўл урилган бу хайрли иш талаба-ёшларнинг ўз қобилиятларини юзага чиқаришлари учун яратилган ижодий имкониятлардан дидир.

Ушбу тўпلامдан адабиёт ва тилга оид мақолалар ўрин олган. Мақола муаллифлари ичидан университетга шу йили кирган биринчи босқич талабаларидан тортиб, ҳозирда илмий

ишлар олиб бораётган магистр ёшлар ҳам учрайди. Бу эса тўпلامдаги мавзуларнинг ранг-баранглиги ва мақолаларнинг ўзига хос талқин йўналишига эга эканлигини кўрсатади.

— Худди шундай тўпلامлардан жорий йилда олти чикаришни режалаштирганмиз, бу эса талаба-ёшларимизнинг келажақдаги ҳам ижодий, ҳам илмий фаолиятининг дебочаси бўлиб хизмат қилса не ажаб, — дейди ушбу тўплам мутаассидларидан бўлган «Ўзбек тилшунослиги» кафедраси ўқитувчиси, филология фанлари доктори Маъруфжон Йўлдошев. Университетнинг ёшлар учун яратган имкониятлари қаторида амалга оширган бу хайрли иш талабалар учун катта ишларнинг ибтидоси бўлиши тайин.

Жаннатхон АСКАРОВА, Ўзбек филологияси факультети 3-босқич талабаси

Ижодий асарининг яралиши расом учун нафақат уни ўраб турган оламнинг, унинг янгидан-янги кўринишларининг очилиши бўлиб майдонга чиқади, балки расомнинг ўз-ўзини тушиниб, англаб етишига туртки бўлади. Ана шундай иқтидорли вақт оқимининг руҳини тутган расомлардан бири, қўллаб республика ва халқаро бадий кўргазмалар лойиҳаларининг муаллифи ва ташкилотчиси — Александр Тюриндир.

Александр Тюрин 1959 йил Тянь-Шан тоғлари этакларида геолог ва метеоролог оиласида туғилган. Унинг болаликдан расм чизишга бўлган юксак қобилияти ўз устида тинимсиз изланишига чорлади. Тюрин 1977 йили Тошкент шаҳридаги П.Беньков номидаги республика бадий билим юртига ўқишга қиради ва 1981 йилда ушбу билим юртини рангтасвир бўлимини имтиёзли тамомлайди. Кейинчалик таълими И.Е. Репин номидаги Санкт-Петербург рангтасвир, ҳайкалтарошлик ва меъморчилик институтида давом эттирди.

Кўргазмалар МУШОҲАДАГА ЧОРЛОВЧИ АСАРЛАР

РАССОМНИНГ ВАЗИФАСИ ВАҚТ ОҚИМИНИНГ РУҲИНИ ТУТИШДИР. УШБУ ЖАРАЁННИ АМАЛГА ОШИРИШДА РАССОМ УЛКАН САҲНАЛАРНИ АСОС ҚИЛИБ ОЛАДИМИ ЁКИ БУНИ МИТТИГИНА СОДДА СЮЖЕТЛАРДА КўРАДИМИ, БУНИНГ АҲАМИЯТИ Йўқ.

1988 йилда эса Тошкент театр-расомчилик институти маҳобатли рангтасвир бўлимини имтиёзли битирган. А.Тюрин Республикада 100 дан ортиқ ва хорижда 15 га яқин бадий кўргазмалар иштирокчиси ҳисобланади. Унинг жорий йилдаги яна бир йирик шахсий кўргазмаси, пойтахтимиздаги Ўзбекистон тасвирий санъат галереясида намоиш этилмоқда. Ушбу кўргазма 22 июлда қадар давом этади.

Мазкур кўргазмага қўйилган асарлари томоша қилар экансиз, расомнинг ижодига қойил қолмасдан иложингиз йўқ.

Айниқса, «Табиатни англаш босқичлари», «Ҳаётдан кечи», «Тўйиниш», «Излар

доимо қолади», «Яшириш қудрат» деб номланган асарлари ҳар бир кишини чуқур ўйланишга, мулоҳаза қилишга чорлайди.

Расом кўргазма Республика ва Халқаро танловлар қолиби, бундан ташқари Ўзбекистон Бадий академиясининг ҳамда Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармасининг олий дипломларига сазовор бўлган.

Ҳозирда Александр Тюриннинг асарлари Ўзбекистон, Россия, АКШ, Исроил, Германия, Австрали, Англия, Франция, Туркия, Жанубий Корея, Қозғоқистон ва Озарбойжон мамлакатларининг шахсий тўпламларида сақланиб келинмоқда.

Баҳодир ХОЛМАТОВ

Спорт янгиликлари

када ярим финалга йўлланма олган жамоалар келаси йили ёшлар ўртасида ўтказиладиган жаҳон чемпионатида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритади.

ЎЗБЕК БОКСЧИЛАРИНИНГ ҒАЛАБАСИ

РОССИЯНИНГ САНКТ-ПЕТЕРБУРГ ШАҲРИДА ЎТКАЗИЛГАН ПРОФЕССИОНАЛ БОКС КЕЧАСИДА ОСИЁ, ЕВРОПА ВА АФРИКА МАМЛАКАТЛАРИ ЧАРМ ҚўЛҚОП УСТАЛАРИ НАВБАТДАГИ ЖАНГЛАРИНИ ЎТКАЗДИ.

Профессионал боксининг нуфузли йўналишларидан бири — Жаҳон бокс ташкилотининг «WBO Inter-Continental» — китъаларо ва Халқаро бокс уюшмасининг (IBA) жаҳон чемпионлиги камарлари соҳиби Қаҳрамон Орзиқулов олти раундлик жангда россиялик Сергей Тасимов билан куч синашди.

Анджон бокс мактаби тарбияланувчиси бўлган жаҳорти- миз учрашувда тезкор ва аниқ ҳаракатлари билан рақибига қўллаб аниқ зарба берди. Сўнгги дақиқагача устуликни ўз томонида ушлаб қолган Қ.Орзиқулов профессионал рингдаги ўн бешинчи ғалабасини нишонланди.

Самарқандлик Шерзод Назаров эса кенаялик Маурисе Чулега қарши саккиз раундлик жанг ўтказиш учун рингга чиқди. Бироқ жаҳорти- мизга рақибидан устуликни исботлаш учун бир неча дақиқа кифоя қилди. Учрашув бошланиши билан Шерзод Назаровнинг кучли зарбаларини ўтказиб

юборган африкалик боксчи учинчи раундга бориб нокаутга учради. Профессинал боксчилик фаолиятини икки йил олдин бошлаган 24 ёшли Шерзод Назаров эса тўққизинчи ғалабага эришди.

ХУББИЕВА ХАЛҚАРО ТУРНИР ГОЛИБАСИ!

ГРЕЦИЯДА ЕНГИЛ АТЛЕТИКА БўЙИЧА ХОТИН-КИЗЛАР ЎРТАСИДА ЎТКАЗИЛГАН «FLOTNEI WOMEN GALA» ХАЛҚАРО ТУРНИРИДА ДУНЁНИНГ ЭНГ КУЧЛИ СПОРТЧИЛАРИ ҚАТОРИДА ҲАМЮРТИМИЗ ГўЗАЛ ХУББИЕВА ҲАМ МУВАФФАҚИЯТЛИ ИШТИРОК ЭТИБ, ОЛТИН МЕДАЛГА САЗОВОР БўЛДИ.

Осиёнинг энг кучли енгил атлетикачиларидан ҳисобланган Г.Хуббиева юз метрга югуриш беллашувида асосий рақобатчилари — россиялик Юлия Гушчина ва мезбонлар вакиласи Екатерина Тануни ортда қолдириб, чемпионлик шохсупасига кўтарилди.

Эслатиб ўтамиз, Гўзал Хуббиева спортчиларимиз орасида биринчилардан бўлиб жорий йилда Хитой пойтахти Пекин шаҳрида ўтказиладиган навбатдаги ёғи Олимпиада ўйинларида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритган.

Боҳир БЕК



Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ

Манзилими: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: хатлар — 233-29-70; эълонлар: 233-28-95, 236-57-65. факс: (3712) 233-21-56.

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади. Нашр кўрсаткичи — 563

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатта олинган.

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 3350 нусхада босилади. Қўроғи биринчи А-2

Нашрини етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почта»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшомининг» компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашрий-матбиа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буёқ Турон» кўчаси, 41-й. 1 3 4 5 6